

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 51-ҳадис

51 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعْجِبُهُ التَّيْمُنُ فِي شَأْنِهِ كُلِّهِ: فِي طُهُورِهِ، وَتَرْجُلِهِ، وَتَنْعُلِهِ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳоратларида ҳам, таранишларида ҳам, пойабзал кийишларида ҳам ўнгдан бошлашни яхши кўрар эдилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ҳақиқий мусулмон киши ибодати, иймони ва ахлоқида Пайғамбарга эргашади. Барча гўзал ишлари ва одатларида ҳам эргашади. Расулуллоҳнинг с.а.в. яхши кўриб қиладиган амалларидан бири-овқатланиш, таҳорат олганда ёки бошқа ишларида ўнг қўлда бажариш эди. Аммо истинжо ва эснашда чап қўлни ишлатардилар. Гарчи оддий кўринсада, биз ҳам бу шундай қилишга бурчлимиз. Чунки биз мўъминлар Расулуллоҳ с.а.в.нинг суннатларига эргашиб орқали у зотга бўлган муҳаббатимизни исботлаймиз.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Барча ишларни ўнг томондан бошлаш суннатдир.
2. Расулуллоҳ с.а.в.нинг сийратларида ишларни ўнг томондан бошлаб бажарганларига мисоллар кўпдир. Масалан, ғусл қилиш, пойабзал кийиш каби.
3. Мусулмон киши ушбу суннатни ҳаётига татбиқ қилади. У ўнг қўли билан таом ейди, ўнг қўли билан сув ичади.
4. Истинжо (мустаҳаб) ва эснаш (кафт билан оғизни ёпишда)дан бошқа барча амалларда ўнг қўлни ишлатишга ҳаракат қилади.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI